

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУХТАХОДЖАЕВА НАРГИЗА АКМАЛОВНА

**БАДИИЙ ТАРЖИМАДА ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМАЛАРНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10. 00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological Science**

Тухтаходжаева Наргиза Акмаловна

Бадиий таржимада лингвокультуремаларнинг
ифодаланиши (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)..... 3

Тухтаходжаева Наргиза Акмаловна

Репрезентация лингвокультурем в художественном переводе
(на примере английского и узбекского языков) 19

Tukhtahkodjaeva Nargiza Akmalovna

Representation of linguaculturems in literary translation
(on examples of the English and Uzbek languages)..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУХТАХОДЖАЕВА НАРГИЗА АКМАЛОВНА

**БАДИИЙ ТАРЖИМАДА ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМАЛАРНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10. 00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017 йил

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В 2017.1.PhD/Fil.81 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Маматов Абди Эшонқулович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Сафаров Шаҳриёр Сафарович филология фанлари доктори, профессор Юсупова Шоира Батировна филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Қ.Ш.Омонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Г.Х.Боқиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бадий таржиманинг миллий адабиётлар тараққиёти ва халқлар ўртасидаги адабий-маданий муносабатларнинг кенгайишига, миллатлараро мулоқот компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилиши тан олингани сабабли миллий-маданий хусусиятга эга тил бирликларини таржимада акс эттириш муаммоси тилшунослик ва таржима назарияси олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Жумладан, тил бирликларининг миллий-маданий хусусиятларини тадқиқ этиш зарурати, тил ва маданият муносабатини ёритиш эҳтиёжи лингвокультурологиянинг алоҳида соҳа сифатида шаклланишига сабаб бўлди.

Мустақиллик йилларида миллий ўзликни англаш, халқ маънавиятини юкасалтириш, бадий ёдгорликларни жаҳонга танитишга қаратилган саъи-ҳаракатлар амалга оширилди. Хусусан, жаҳон маданиятининг дурдона асарларини ўзбек тилига ўгириш ва ўз навбатида китобхонларни умуминсоний қадриятлардан хабардор қилиш, ўзбек халқининг юксак бадийлик билан тўйинган адабий асарларини хорижий тилларга таржима қилиш жадаллашди. Мамалакатимиз олимларининг «...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ га алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу тараққиёт тамойилларига мувофиқ ўзга тилдаги бадий асар намуналарининг таржима матнини давр талаби даражасида яратиш бўйича таржимашунослик соҳасида чуқур изланишлар олиб бориш муҳимлигини кўрсатади.

Дунё таржимашунослигида лингвокультуремаларни манба матнида идентификациялаш, аслият мансуб халқ менталитети, оламнинг лисоний манзараси акс эттирадиган универсал ва экзотик лексемаларни бадий таржимада қай тарзда ифодалаш муаммоларини лингвокультурологик, концептологик, социолингвистик ва бошқа аспектларда ўрганиш заруратини келтириб чиқаради. Қардош бўлмаган, турли тил ареалларига мансуб инглиз ва ўзбек тилларидаги универсал ҳамда миллий-маданий тушунчаларни акс эттирувчи лингвокультуремаларнинг лексикографик, концептуал, чоғиштирма ва корпус таҳлиллари асосида уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини белгилаш, таржимавий хусусиятларидаги изоморф ва алломорфлик томонларини ўрганиш, таржимадаги синонимик, антонимик ҳолатларини аниқлаш ҳамда мақбулларини қўллаш юзасидан таклифлар бериш, фразеологик бирлик ва стилистик воситалар орқали намоён бўлган лингвокультуремаларни таржима қилиш усулларини белгилаш каби масалаларни тадқиқ этиш диссертация мавзусининг замонавий тилшунослик учун долзарблигини кўрсатади.

Мазкур диссертация 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. / Халқ сўзи, 2017 йил. 8 февраль. – № 28 (6722).

ташкил этиш тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда тил, маданият ва таржима ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этиш тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан бирига айланганлиги сабабли лингвокультурология ҳамда таржима назарияси уйғунлигидаги тадқиқотлар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан такомиллашмоқда².

Ўзбекистонда таржима назариясида Ғ.Саломов, Қ.Мусаева, Ғ.Гафурова, Н.Комилов, И.Ғофуров, М.Холбеков каби олимларнинг тадқиқотлари илмий-назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга³. Кейинги йилларда лингвокультурологияга доир изланишлар (Ш.Сафаров, Д.Ашурова, Ў.Юсупов, Ғ.Боқиева, А.Маматов, Ж.Ёкубов, Д.Худойберганава, Д.Джуманова, Н.Джусупов, С. Н.Исамухамедова ва б.) юзага келди⁴.

Шунингдек, С.Ғ.Воркачев, Д.Д.Лагаева, Н.Н.Дзида, Е.Б.Елисеева, Т.И.Густомясова, Ф.Х.Хасанова, Ф.Ғ.Фаткуллина, А.Р.Габбасова каби

² Palmer G.B. *Toward a Theory of Cultural Linguistics*. – Austin: University of Texas Press, 1996. – 348 p.; Morain G. *Kinesics and cross-cultural understanding // Culture Bound. Bridging the Cultural Gap in Language Teaching*. Ed. J. Valdes. Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – P. 64 – 76. Serdihun B., Sivasish B. *Language, Culture, and Translation of the Karbi: A Brief Study*. / *International Journal of Social Science and Humanity* vol. 2, no. 6 – India., 2012. – P. 562-564.; Ziaul H. Md. *Translating Literary Prose: Problems and Solutions*. / *Inertational Journal of English Linguistics*. Vol. 2, no 6. – Bulgaria: Canadian Center of Science and Education, 2012. – P. 109.; Adnan S. *Translation of Cultural Terms: A Case study of a Novel Titled 'For One More Day'* / *Journal of Language and translation*. Vol. 7. – Australia: UTAS, 2017. – P. 53-62.

³ Саломов Ғ.Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 232 б.; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – 352 б.; Гафурова Ғ. Развитие перевода в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1973. – 159 с.; Комилов Н. Хорезмская школа перевода (проблемы типологии и сопоставительной истории перевода в XIX в.: Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1987. – 37 с.; Холбеков М. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в контексте перевода, критики и восприятия): Автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Ташкент, 1991. – 21с.; Гафуров И. Таржимашунослик мутахассислигига кириш. – Тошкент: Меҳридарё, 2008. – 118 б.

⁴ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92. б.; Ашурова Д. Лексикон как отражение национально-культурной специфики языка // 2-я межд. науч. конф. Язык и культура. – М., 2003. – С. 76-81.; Юсупов Ў. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида / *Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида* – Тошкент, 2011. – Б. 49-55.; Бақиева Ғ. Лингвистические основы анализа художественного текста: Автореф. дисс. ... док. филол. наук. – Ташкент, 1993. – 46 с.; Маматов А. Взаимодействие и взаимовлияние языка и культуры в процессе перевода / *Бадий таржима тилшунослик, адабиётшунослик ва маданиятлараро алоқалар контекстида*. – Жиззах, 2011. – Б. 31-32.; Ёкубов Ж. Француз тилида «мухаббат» концептининг когнитив хусусиятлари / *Олмоншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари*. – Тошкент, 2011. – Б. 107-111.; Худойберганава Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентриқ талқини: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2015. – 102 б.; Джуманова Д.Р. Лингвокультурологический аспект реалем // *Русский язык в межкультурной коммуникации / Материалы Международной научно-практической конференции*. – Иваново: ИвГУ, 2012. – С. 218-222; Джусупов Н. Проблема концепта в современной лингвистике // *Преподавание языка и литературы*. – Ташкент, 2004 – № 4. – С. 12-18.; Исамухамедова Н. Стилистическая адекватность перевода художественного текста: Дисс. ... канд.филол.наук. – Тошкент, 2007. – 146 с.

тилшуносларнинг тадқиқотлари айна мавзуга бағишланган⁵. Бироқ универсал ва миллий-маданий лингвокультуремаларнинг бадиий асар таржимасида берилиши, уларнинг лисоний хусусиятлари инглиз ва ўзбек лингвокультурологияси нуқтаи назаридан чоғиштирама аспектда тадқиқ қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. ЎзДЖТУ Инглиз тили таржима назарияси ва амалиёти кафедрасининг «Таржима муаммолари» илмий мавзусининг таркибий қисми бўлиб, таржима назарияси ва амалиёти факультетининг илмий режаларига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги универсал ва миллий-маданий лингвокультуремаларнинг бадиий асарлар таржималарида ифодаланишини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тил, таржима ва лингвокультурологиянинг ўзаро алоқадорлик муаммоларини ўрганиш ва таржима назариясига лингвокультурологик ёндашувнинг моҳиятини ёритиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги *happiness, бахт, dignity, тўй* лингвокультуремаларининг концептуал моҳиятини қиёсий ўрганиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги *happiness, бахт* лингвокультуремаларининг таржимадаги синонимик ва антонимик қаторларини аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларида фразеологик бирликлар орқали акс этган *happiness, joy, luck, sadness, бахт, шодлик, омад, қайғу* универсал лингвокультуремаларининг таржима қилиш хусусиятларини кўрсатиш;

инглиз ва ўзбек тилларида стилистик воситалар билан намоён бўладиган лингвокультуремаларнинг таржима қилиш усулларини аниқлаш;

бадиий таржимадаги оламнинг лисоний манзарасида лингвокультуремаларнинг тутган ўрнини белгилаш;

лингвокультуремаларни адекват таржима қилиш бўйича илмий-назарий услубиятни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги таржималарда лингвокультуремаларни ифодаловчи тил бирликлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва ўзбек тилларидаги лингвокультуремаларни бадиий таржимада ифодалашнинг лингвокультурологик хусусиятлари ташкил этади.

⁵ Воркачев С.Г. Счастье как лингвокультурный концепт. – М.: Гнозис, 2004. – 236 с.; Лагаева Д.Д. Лингвокультурный концепт «счастье» в калмыцком и английском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Элиста, 2009. – 22 с.; Дзидя Н.Н. Асимметрия концепта в свете когнитивно-деятельностного подхода в переводоведении: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тюмень, 2010. – 25 с.; Елисеева Е.Б. Лингвокультура как единица декодирования культурных смыслов при переводе художественного текста. – Тамбов: Грамота, 2013. – № 3 (21): в 2-х ч. Ч. II. – С. 67-70.; Густомясова Т.И. Лингвокультурные концепты в обучении иностранным языкам в современном вузе // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2016. – Т. 15. – С. 191–195.; Хасанова Ф.Х. Лингвокультурологическое поле концепта «Туй» в татарской языковой картине мира: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2008. – 21 с.; Фаткуллина Ф.Г., Габбасова А.Р. Лингвокультурологический и аксиологический аспекты характеристики концепта «свадьба» в башкирской и русской языковой картине мира // Сохранение и развитие родных языков и культур в условиях многонационального государства: проблемы и перспективы: Материалы Международной научно-практической конференции. – Уфа: РИЦ БашГУ, 2010. – С. 282.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифий, қиёсий-типологик, компонент, концептуал, кросс-маданий, семантик майдон ва лингвостатистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларидаги универсал (*happiness, joy, luck, sadness, бахт, шодлик, омад, қайғу*) ҳамда миллий-маданий (*dignity, тўй*) лингвокультуремаларнинг лексик-семантик майдонидаги ядровий ва периферик ифодалари чоғиштира аспектда асосланган;

лингвокультуремалар синонимик қаторлари ва антонимик жуфтликлари қўлланиш даражасининг фаоллиги аниқланган ҳамда таржимадаги аҳамияти исботланган;

инглиз ва ўзбек тилларида фразеологик бирликлар билан ифодаланган лингвокультуремаларнинг таржима адекватлиги лисоний ҳамда нолисоний омилларга боғлиқлиги далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларида стилистик воситалар билан вербаллашган лингвокультуремаларнинг таржимасида эквивалент, муқобил, тавсифлаш усуллари қўллаш шарт-шароитлари асосланган;

таржимада оламнинг лисоний манзарасининг яхлитлигини бадиий матндаги эксплицит ва имплицит маълумотлар ҳамда муаллифнинг модал муносабати таъминлаши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

инглиз ва ўзбек тилларидаги универсал ва миллий-маданий лингвокультуремаларни ташкил этувчи тил бирликларининг чоғиштира таҳлили икки миллат дунёқараши, улардаги олам лисоний манзарасининг ўзига хослиги тил ўрганувчиларда миллатлараро мулоқот компетенцияни шакллантиришга хизмат қилиши исботланган; бадиий таржимада лингвокультуремаларни мувофиқ ифодалашнинг алгоритми ишлаб чиқилган ва лингвокультуремаларнинг таржима усуллари такомиллаштириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК руйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти диссертация натижалари таржима назарияси муаммоларини замонавий ёндашув нуқтаи назаридан ҳал этишга туртки бўлиши, қиёсий тилшунослик, лексикология, таржимашунослик соҳаларининг тадқиқот кўламини янада бойитиши, лингвокультуремалар таржимаси бўйича берилган тавсиялар тилшунослик ва таржима назариясининг бошқа таркибий йўналишларини тадқиқ этишда илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан таржима назарияси ва амалиёти, қиёсий стилистика, матн таҳлили ҳамда қиёсий типология фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш, семинар машғулотларини олиб бориш, битирув малакавий ва магистрлик ишларни бажаришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларидаги лингвокультуремаларни қиёсий ўрганиш, уларнинг бадиий таржимадаги ифодаланиш усуллари ҳамда таржима қилиш муаммоларини бартараф қилиш юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

Пиримкул Қодиров асарларида акс этган ўзбек миллий маданиятига хос тушунчаларни ифодаловчи 20 дан ортиқ сўз маъноларини англашда, асарлар матнларининг мазмунини ёритишда, шунингдек, келтирилган фразеологизмларнинг турк тилидаги айрим муқобилларини аниқлашда Artvin Çoruh Üniversitesi (Туркия)да бажарилган 2013.S23.02.15 рақамли «Pirimkul Kadırov'un Romaları Uzerine Bir Inceleme» фундаментал лойиҳасида фойдаланилди (Artvin Çoruh университетининг 2016 йил 27 июлдаги E.3546 сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тилидаги лингвокультуремалар билан боғлиқ фразеологизм, пармеологик бирликлар маънолари тўғри талқин қилинишга, ўзбек тилининг бой ифода имкониятларини намоён этишга хизмат қилган;

ўзбек тилидаги миллий-маданий хусусиятли сўз, фразеологизм, реалия ва стилистик воситаларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ёритишда, ономастик бирликлар иштирок этган матнлар миллий-маданий мазмунини тушунтиришда, *Тўйчи, Хуррам, Роҳатой, Шухрат, Фароғат, Саодат, Муҳаббат* каби лингвокультуремалар маъносини изоҳлашда ФА-ИЗ-Г009 ИЗ-2014-0923161515 рақамли «Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи» номли инновацион лойиҳасида фойдаланилган (ISBN 978-9943-4725-8-7). Натижада ономастик бирликларнинг лексикографик изоҳларида миллий колорит акс этган, янги семалар билан бойиган;

махсус тренинг курслари материалларини тайерлашда ва уларни ўтказишда Британиянинг Л.С.Хорнби номли жамғармаси, Британия Кенгаши, «Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси» ва Вестминистер халқаро университети ҳамкорлигидаги «Teachers' learning through action research» номли лойиҳасида татбиқ этилган. Олинган хулосаларнинг қўлланиши натижасида матн таҳлили, илмий мақолаларни тиллараро ва маданиятлараро мослаштириш бўйича назарий ва амалий тавсиялар Edmodo онлайн ўқув порталига юкланган ва тингловчиларга етказилган (Вестминистер халқаро университетининг 2016 йил 29 июндаги DO/03-0405 сон маълумотномаси). Бу республикамиз ёш олимларининг инглиз тилида илмий мақолалар тайёрлаш бўйича маҳоратини оширишга, ўзбек олимлари томонидан ёзилган миллий-маданий хусусиятли тил бирликлари тадқиқига қаратилган мақолаларни жаҳон миқёсида таништиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 19 та, жумладан, 3 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, 16 та тезис ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 5 таси хорижий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 141 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Таржима назариясига лингвокультурологик ёндашув**» деб номланган биринчи бобида таржима назариясига лингвокультурологик ёндашув, тил ва маданият тушунчаларини биргаликда ўрганиш, лингвокультуремаларнинг лингвомаданиятшуносликда тутган ўрни ҳамда уларни таржимада акс эттириш муаммолари тадқиқ этилган. Тилшуносларнинг бу борадаги назарий қарашлари умумлаштирилган ва уларга муносабат билдирилган.

Лингвокультурологиянинг асосий тушунчаларидан бири бу – *лингвокультурема* бўлиб, уни термин сифатида илк бор В.В. Воробьев қўллаган: *лингвокультурема* сатҳлараро комплекс термин сифатида ўзида лисоний ва нолисоний мазмуннинг диалектик бутунлигини акс эттиради⁶. Агар муайян сўз тил бирлиги сифатида қаралса ва уни тил доирасида тушунтирилса, лингвокультурема маълум бир нарса-ҳодиса ёки ҳаракат-ҳолатнинг маданият билан узвий боғлиқлигида намоён бўлади. Лингвокультуремалар ўзида муайян нарса-ҳодиса ҳақидаги соф лисоний тушунча билан бирга доимий ҳаракатдаги нолисоний омилларни, реалия, пармеологик бирлик ва лақуналар каби миллий-маданий хусусиятларни акс эттирувчи тил бирликларини мужассамлаштиради.

Мавжуд тадқиқотларда лингвокультуремалар сирасига маданиятнинг у ёки бу томонини акс эттирувчи сўзлар, фразеологик бирликлар, сўз бирикмалари, гаплар, пармеологик бирликлар, нутқий клишелар, мураккаб

⁶ Воробьев В.В. Лингвокультурология. – М.: РУДН, 2008. – 336 с.

синтактик бутунлик ва матн киритилади⁷. Демак, лингвокультурема муайян халққа хос, лисоний ва нолисоний омилларни қамраб олувчи, тил ва маданиятнинг ўзаро алоқадорлигини ифода этувчи, тил воситаларининг барчаси билан намоён бўла оладиган бирликдир. У биргина сўздан ҳам (масалан: *тўй, ош*), қўшма сўзлардан ҳам (масалан: чойхона), бутун бир абзац ёки матндан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг чоғиштирма таҳлилидан уларнинг лексик-семантик хусусиятлари ҳамда лингвокультуремаларнинг таркибий қисмини ташкил этувчи *тушунча, образлилик* ва *қадриятлиликка* оид жиҳатларидаги ўхшаш ва фарқли томонлар аниқланди.

Шунингдек, инглиз ва ўзбек тилларидаги бадий асарлар ва уларнинг таржимаси орқали *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг синонимик қаторлари ўрганилди ва қуйидаги турлари аниқланди: семантик, стилистик ва контекстуал синонимлар. Масалан, *She didn't know how she was ever going to be happy there, knowing the mother and the children warn't ever going to see each other no more*⁸... . *Она ўз болаларини бир умр кўролмайдиган бўлгандан кейин у ердаги ўйин-кулги татирмиди деди*⁹. Аслиятда берилган *to be happy* сўзининг луғавий маъноси бахтли бўлмоқ ҳисобланса-да, аммо таржимон ўзбек тилида матннинг умумий мазмунидан келиб чиқиб, тўғридан-тўғри эмас, балки соф ўзбекча баёндан яъни оғзаки нутққа хос *ўйин-кулги* сўздан фойдаланиб таржима қилган. Натижада матнда бадий конкретлашув юзага келган.

Ўзбек тилидаги *омад, толе*, инглиз тилидаги *fortunate, luck, joy* кабилар ўзаро семантик синонимлар бўлса, стилистик синонимлар сифатида ўзбек тилидаги китобий услубга хос *масъуд, саодат, толе, масрур* сўзларини, инглиз тилида эса китобий ва поэтик услубга хос *ecstasy, exaltation, felicity* сингари лексемаларни кўрсатиш мумкин. Ҳар икки тилдаги *happiness* ва *бахт* сўзлари нейтрал баҳоли сўзлар сифатида ўз синонимларидан фарқланади. Мутлақ синонимлар ҳар икки тилда ҳам учрамади.

Happiness/бахт лингвокультуремаларини бадий таржима мисолида тадқиқ этишда уларнинг антонимик воситалар ёрдамида ифодаланиши ҳам муҳим. Мазкур лингвокультуремаларнинг аксиологик хусусиятини ҳаётдан қониқиш, мамнунлик, ҳузур-ҳаловат ҳолатлари билан бирга бахтга нисбатан антонимик салбий муносабат, бахтсизлик, азоб-уқубат кабилар ҳам ташкил этиши аниқланди. Антонимларнинг тузилишига кўра грамматик – *happiness-unhappiness, бахтли-бахтсиз*; лексик – *happiness-wretched, бахт-ғам-алам* каби бўлса, маъновий жиҳатдан контекстуал, тўлиқ – *happiness-forlorn, бахтли-нотавон*; ярим – *happiness-poor, бахтли-маҳзун* кабилар аниқланди. Антонимларнинг хусусиятларидан бири лексик бирликлардан ташқари фразеологик бирликлар билан ҳам ифодаланишидир. Чунки фразеологизм

⁷ Юсупов Ў. Тилшуносликда янги йўналишлар ва уларда ишлатиладиган айрим истилоҳлар // Филология масалалари. – Тошкент, 2011. – №2. – Б.9-15.

⁸ Twain M. The adventures of Tom Sawyer /The adventures of Huckleberry Finn. – М.: Foreign Languages Publishing house, 1960. – Р. 436.

⁹ Твен М. Гекльберри Финнинг бошидан кечирганлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1960. – Б. 202.

маъносида экспрессивлик кучли бўлгани учун уларнинг антонимик жуфтликларида ҳам образлилик ва ҳиссий-таъсирчанлик ортиқ бўлади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, аксар ҳолларда аслиятда лексик, таржима тилида фразеологик, яъни лексик-фразеологик антонимлар қўлланган: *Tracy stayed in her room all day, miserable¹⁰* – *Трейси кун билан ўз хонасида дили хуфтон бўлиб ўтирди¹¹*. Кўринадики, аслиятда *happiness* лингвокультуремасининг антоними бўлган *miserable* қўлланган. У ўзбек тилига “ғам-алам”, “андух”, “хафагарчилик” маъносини англатадиган *дили хуфтон бўлиб* фразеологизми билан ўгирилган. Айни ибора ўзбек тилининг миллий хусусиятли фразеологик бирликларидандир. Яъни ўзбек лингвомаданиятида хуфтон “қуёш ботгандан кейинги пайт” “қоронғи”, “зимистон” тушунчаларини ифодалайди. Натижада *дили хуфтон бўлмоқ* фразеологизми вужудга келган ва унинг мазмунида “кўнгил ғашлиги”, “хафа бўлишлик” маънолари тушунилади. Фикримизча, таржимон мазкур парчада *дили хуфтон бўлмоқ* фразеологизмини қўллаш билан аслият мазмунига бироз путур етказган. Зотан, инглиз халқи тафаккурида айнан “дили хуфтон бўлмоқ” тушунчаси мавжуд эмас, таржимада эса ўзбек халқи руҳияти ва миллий ўзига хослиги инглиз халқи маданиятига нисбатан ноўрин татбиқ этилган.

Диссертациянинг «**Универсал лингвокультуремаларни таржима қилиш муаммолари**» деб номланган иккинчи бобида *happiness, joy, luck, sadness, бахт, шодлик, омад, қайғу* универсал лингвокультуремаларининг бадий асарларда фразеологик бирлик ва образли стилистик воситалар орқали акс этиши ҳамда уларнинг таржималардаги талқини, инглиз ва ўзбек маданиятининг концептуал моҳияти каби масалалар очиб берилган.

Маълумки, фразеологизмларнинг юзага келиши халқ дунёқараши, олам ҳодисаларини уларга хос лисоний англаш тарзи билан боғлиқ бўлгани сабабли бундай бирликларда миллат тилининг ўзига хос жиҳатлари намоён бўлади. Инглиз ва ўзбек халқларининг турмуш тарзи, ҳаётий тажрибалари, ижтимоий ҳолати, диний қарашлари замирида вужудга келган фразеологик бирликлар бир қатор жиҳатларга эга бўлиб, уларнинг таржимаси *happiness, joy, luck, sadness, бахт, шодлик, омад, қайғу* лингвокультуремаларининг икки тилдаги миллий-маданий хусусиятларини очиб беришда катта аҳамият касб этади. Биз тадқиқот жараёнида таржиманинг калькалаш, тасвирий ва муқобил усуллари орқали қилинган таржималарни учратдик. Масалан, – *Well, they were short and wanted me to find them some one. I told Carrie, and she seems to want to try¹²* – *Сизга айтсам, уларга битта артистка етмай қолган экан, мендан битта-яримтани топиб беринг деб илтимос қилишди. Буни Керрига айтувдим, унинг бахтини синаб кўришга сиёҳи борга ўхшайди¹³*. Бу ерда машҳурлик пиллапояларини забт этиш мазмунини ифодалаш мақсадида *to try* ибораси қўлланилган. Фразеологик бирликлар луғатида қайд

¹⁰ Dreiser Th. *Sister Carrie*. – М.: Higher School Publishing House, 1968. – P. 194.

¹¹ Драйзер Т. Бахти қаро Керри. Э.Носиров тарж. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – Б. 151.

¹² Dreiser Th. *Ibid.* – P. 194.

¹³ Драйзер Т. Кўрсатилган асар. – Б. 151.

этилишича, ушбу ибора тўлиқ *to try one's fortune* – *попытать счастья* (ўз бахтини синамоқ) шаклига эга бўлиб, юқоридаги лавҳада қисқартирилган. Бинобарин, ўзбек тилига мазкур ибора муқобиллик усули билан *бахтини синаб кўришга* тарзида ўгирилган. Бундан кўринадики, ҳар икки тил соҳиблари тафаккурида ҳам “ўз тақдири учун ўзи курашмоқ”, иқболи ва истиқболи борасида “бахтини синамоқ” тушунчалари мавжуд ҳамда улар *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг ифодаланишида муҳим ўрин тутди.

Таржима турли услубдаги матнлар билан ишлаш амалиёти бўлиб, муаллиф тасвирлаган ҳаяжонли ҳолатларни, ҳис-туйғуларни таржима қилинаётган тилда бера олиш мураккаб жараён ҳисобланади. Биз ушбу қисмда *happiness, joy, luck, sadness, бахт, шодлик, омад, қайғу* универсал лингвокультуремаларининг бадий таржимада стилистик воситалар орқали ифодаланишини ўрганар эканмиз, унда метафора, эпитет, ўхшатиш, гипербола (муболаға), оксюморон каби стилистик воситалар (троплар) билан намоён бўлган мисолларни ҳам учрадик. Хусусан, айти стилистик воситалар ҳар икки тилда *happiness, joy, luck, sadness, бахт, шодлик, омад, қайғу* универсал лингвокультуремаларининг ўзига хос миллий-маданий жиҳатларини воқелантириши мумкин. Масалан, Аъзам Обидовнинг “Тун” шеърида метафоранинг персонификация усулидан фойдаланилган:

<i>Шукур, тинди шовқин. Сукунат.</i>	<i>Thanks, Stopped a noise. Just silence,</i>
<i>Уй ортида зерикади ой,</i>	<i>The Moon is dull in home back.</i>
<i>Ухлаётир ҳорғин уқубат,</i>	<i>The Grief is tired in the wildness</i>
<i>Йиғлаётган бахтдир, ҳойнаҳой</i>	<i>Maybe Luck in cold quakes¹⁴.</i>

Мазкур шеър образли лисоний воситаларга бой бўлиб, унда тун тасвири зўр маҳорат билан ифодаланган: тунда ҳамма ёқ сокин бўлиши, атрофни зулмат чулғаб олиши ва бундай зулмат ичида бахт барқарор бўлолмаслиги *йиғлаётган бахт* метафорик ифодаси билан берилган. Унда инсонга хос хатти-ҳаракат йиғламоқ бахтга кўчирилган, айти пайтда, бахтнинг тун билан ҳамоҳанг бўлолмаслиги ифодаланган. Яъни бахт тун тимсоли эмаслиги таъкидланиши баробарида хомушлик йиғламоқ феъли билан жонлантирилган. Ушбу мисра инглиз тилига оксюморон ҳолатида, таржиманинг алмаштириш усули орқали ўгирилган: – *Maybe Luck in cold quakes*, яъни *Балки бахт совуқда титраб тургандир* тарзида, аниқроғи, *luck – to quake* (бахт – қалтирамоқ, титрамоқ) феъли билан жонлантирилган. Ҳар икки тилда ҳам “маҳзунлик” маъноси мавжуд. Таржимон ҳам маъно ва экспрессивликни таъминлаш мақсадида титрамоқ сўзидан ўринли фойдаланган.

Лингвокультуремаларни таржимада тўғри ва тугал акс эттиришда аслият мансуб тил эгаларининг оламни лисоний англаш тарзини тўғри англаш жуда муҳим. Ҳар бир халқнинг оламни лисоний англаш тарзининг ўзига хослиги унда алоҳида (индивидуал), оммавий ва миллий фаолият ҳамда тажрибаларининг ифодаланиши билан изоҳланади. Бу жиҳат Д.Ашурованинг

¹⁴ Obidov A. A miracle is on the way. She`rlar. – Toshkent: Zarqalam, 2005. – Б. 36.

«...оламнинг лисоний манзарасида умуминсоний тарихий тажриба мужассамлашган бўлса, оламнинг миллий лисоний манзарасида муайян жамият тажрибаси акс этиши билан бирга айти халқнинг миллий-маданий ўзига хосликлари ҳам мавжуд бўлади»¹⁵ деган таъкидидан ҳам англашилади.

Бадий матнда олам лисоний манзарасининг тил бирликлари орқали намоён бўлиши ва уларнинг таржимада қандай талқин қилинишини Теодор Драйзернинг «Бахтиқаро Керри» («Sister Carrie») асари мисолида кузатилди. Э.Носиров томонидан таржима қилинган бу асарнинг мазмуни, асосан, бахт ва уни излашга қаратилган бўлиб, унда давр руҳи ва ижтимоий ҳолатлар тасвирланган. Таржима аслиятдан эмас, рус тилидан қилинган бўлса ҳам образлилик ва ҳиссий таъсирчанликни таъминлайдиган тасвирий воситалар ёрдамида маҳорат билан талқин этилган.

Таъкидлаш лозимки, бу асарда *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг ўрни муҳим. Таҳлилларимиз натижаси шуни кўрсатадики, аслиятда *happiness* (бахт) ва *happy* сўзи 10 мартадан қўлланган. Рус тилидаги таржимасида *счастье* сўзи 27 марта ишлатилган. Ўзбекча таржимасида эса *бахт* сўзидан 59 марта, *бахтиёр* сўзидан 20 марта фойдаланилган. Бу *бахт* сўзининг рус ва ўзбек тилларида аслиятдагидан 4 барабар кўп ишлатилганлиги ҳамда *бахт* лингвокультуремасининг аҳамияти кучайтирилганлигини кўрсатади.

Бадий таржимада оламнинг лисоний манзарасини тўғри англаш *happiness/бахт* лингвокультуремаларининг тўғри талқин этилишида муҳим ҳисобланади, чунки лингвокультуремаларни ифодаловчи лисоний бирликларни ўзаро мувофиқ таржима қилиш муаллиф модаллиги, индивидуал олам манзарасининг инобатга олинишини тақозо этади.

Диссертациянинг «**Миллий-маданий лингвокультуремаларнинг таржимавий хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобда *dignity* лингвокультуремаси инглиз тили мисолида, *тўй* лингвокультуремаси ўзбек тили мисолида ўрганилди. Ўзбек тилида аниқ муқобили бўлмаган *dignity* лингвокультуремаси дастлабки босқичда (тушунчага кўра) лексикографик таҳлилга тортилди.

Айти лингвокультуреманинг концептуал моҳиятига чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, унинг ижтимоий-маданий концептлардан бири эканлиги аён бўлади. Буни Оскар Уайлднинг «Кентервиллик арвоҳ» (The Canterville Ghost) номли ҳикояси қаҳрамони лорд Кентервилнинг нутқи мисолида кўриш мумкин. Унда *dignity* лингвокультуремасининг Британия аслзодалари нутқида хослиги кўринган: ... *all such vain gauds and toys, however suitable or necessary to the dignity of the British aristocracy, would be completely out of place among those who have been brought up on the severe, and I believe immortal, principles of republican simplicity.*¹⁶ – ... британ аслзодалари нуфузини сақлаб туриши учун зарур бўлган мана шу бемаъни ялтир-юлтурнинг ҳаммаси республикача дунёқарашнинг қатъий ва менимча,

¹⁵ Ашурова Д. Художественный текст в контексте национальной культуры // Linguistics-II. – Тошкент, 2011. – Б.9.

¹⁶ Wilde O. The Canterville Ghost. <http://www.gutenberg.net>

метиндек мустаҳкам принциплари руҳида тарбия топган одамга мутлақо ортиқча¹⁷.

Парчада арвоҳнинг уй эгаларини кўрқитиш учун кийиб олган навбатдаги “либоси”нинг аксессуарлари хусусида гап бормоқда. Аслиятдаги “...to the dignity of the British aristocracy” бирикмаси ўзбек тилига “...британ аслзодалари нуфузини” деб таржима қилинган. Ўзбек тилига *обрў-эътибор* сўзининг синоними бўлган *нуфуз* лексемаси билан таржима этилиши *dignity* лингвокультуремаси ижтимоий-маданий хусусиятларининг яққол акс этишини таъминлаган. Бу тарздаги таржима натижасида аслиятдаги маъно қайта яратилган.

Таржима таҳлилларидан маълум бўлишича, инглизча-ўзбекча луғатда *dignity* сўзининг таржимаси сифатида берилган *қадр-қиммат*, *эътибор*; *унвон*, *мансаб* каби сўзлар биз таҳлил қилган асарларда қисман учради. Аксар ҳолатларда ўзбек тилига бошқа сўзлар билан таржима қилинганининг гувоҳи бўлди. Масалан: *нуфуз*, *олижаноблик*, *нафсоният*, *дабдабали*, *мартаба*, *виқор*, *обрў-эътибор*, *иззат-нафс*, *иззат-эҳтиром*, *кибрили сиполик* каби. Бу эса луғат ва таржима орасидаги номутаносибликни келтириб чиқаради. *Dignity* лингвокультуремаси ва унга хос тушунчанинг ўзбек тилида ҳар хил лексемалар билан намоён бўлиши, яъни аниқ бир муқобилининг мавжуд эмаслиги унинг миллий-маданий лингвокультурема эканлигини тасдиқлайди. Бизнингча, *dignity* лингвокультуремасини англатиш учун қўлланган сўзнинг ҳар бири ушбу лингвокультурема моҳиятини ёритишда алоҳида қимматга эга.

Ишнинг навбатдаги қисми ўзбек халқининг миллий олам манзарасида ўзига хос ўрин тутган *тўй* лингвокультуремаси тадқиқига бағишланган. Маълумки, ўзбек халқида ҳам *тўй* азалий қадриятлардан бири бўлиб, у тўқлик, фаровонлик ва тинчлик-тотувлик белгисидир ҳамда бу лингвокультурема ўзбек халқининг миллий концептуал оламида ўзига хос қадр-қимматга эга ички шакл ҳисобланади.

